

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «29» 9

46184-сон

Ҳисоб

ш.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома биринчи томон ва иккинчи томон Низом асосида иш юритувчи **Қўқон йўл таъмир МЧЖ** (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари **А.Қурбонов** Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Халқ таълими бўлими** номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари **Н.Сиддиқова** ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди:

### 1. Шартнома предмети:

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги қурилиш монтаж ишлари бажариб беради:  
: Ўзбекистон тумани Халқ таълими тасарруфийдаги 13,17,20,23,29,57 мактаблар ички хуудлари ховли копламаларини жорий таъмирлаш.

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 92 861 970 (Тўқсон икки миллион саккиз юз олтимиш бир минг тўққиз юз етмиш) сўм (**Н.Қ.С билан**)

1.3. Бажариладиган қурилиш монтаж ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Қурилиш монтаж ишларини бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддатда яъни **19.10.2022**гача жорий таъмирлаш ишлари якунланиши шарт

### 2. Ҳисоб-китоб шартлари:

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган қурилиш монтаж ишларини сметаси ёки калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан копланеди.

2.2. «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдориди туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» қурилиш монтаж ишларини бажаргандан сўнг 30 кун ичида амалга оширади.

2.3. Қурилиш монтаж ишларини бажарилиши жарёнида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашёлар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашёлар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

### 3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли,техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми ёки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган қурилиш монтаж ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи»ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган қурилиш монтаж ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

3.5 Агар ҳуқуқни химоя қилувчи органлар томонидан текширишларда амалга оширилган жорий таъмирлаш ишлари бўйича «Буюртмачи» га «Иш бажарувчи» томонидан қурилиш ишларини бажарилганлиги тўғрисидаги тақдим этилган хужжатлардаги нархларда ёки бажарилган иш

ҳажмида камомад аниқланган тақдирда ушбу камомад «Иш бажарувчи» томонидан тўлик қопланади.

#### **4. Жарималар қўланилиши:**

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган қурилиш монтаж ишларининг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган қурилиш монтаж ишларини умумий қийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш (хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.4 % миқдорида «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.

4.4 Жарималар қўланилиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **5.Форс-мажор:**

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, ёнғин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

#### **6. Шартнома муддати:**

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) Томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган қурилиш монтаж ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» омонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли ҳулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюртмачи харажатлар сметасига ёки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш қиритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д) Нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган қурилиш монтаж ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки қупайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

#### **7. Қўшимча шартлар:**

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли вазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб сўнг амалга оширилади.

Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

| «Иш бажарувчи»  | «Буюртмачи»  |
|---|--|
| <p>“Қўқон йўл таъмир” МЧЖ</p>   | <p><b>Халқ таълими бўлими</b></p>  |
| <p>Манзил: Яйпан шаҳри А.Навоий кўчаси 29а–уй</p>   | <p>(буюртмачи)</p>   |
| <p>Тел/факс +998-90-508 00 08</p>   |  |
| <p>х/р: 2020 8000 0046 3838 2001</p>  | <p>Манзил: _Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳри</p>                                    |
| <p>ТИФ</p>  | <p>Тел./факс _____</p>   |
| <p>"O'ZSANOATQURILISHBANK"</p>  |  |
| <p>ATB BOSH OFISI</p>   | <p>ш/х* 100022860302307092100075071</p>  |
| <p>МФО: 00440 ИНН:300518595</p>   | <p>СТИР 200189130</p>  |
| <p>ОКЕД: 42110</p>  | <p>ОКОНХ_ 97600_</p>   |
| <p>Директор  А. Курбонов</p> | <p>Молия вазирлиги Ғазначилиги Ягона ғазна ҳисоб вароғи 23402000300100001010</p> |
|   | <p>Банк номи: Марказий банк</p>  |
|   | <p>МФО: 00014, СТИР: 201122919</p>   |
|   | <p>Раҳбар: _____ Н.Сиддиқова</p>   |
|   | <p>(имзо)</p>  |





“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлими мудири (комиссия раиси)

Н.Сиддикова

Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлими  
Харид комиссиясининг

30-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ

2022 йил 29 сентябр

Яйпан шаҳри

Раислик қилувчи:

|              |   |
|--------------|---|
| Н.Сиддикова  | - Халқ таълими бўлими мудири комиссия раиси                                   |
| А.Набиев     | - марказлашган молия бухгалтерия хизмати бош хисобчи<br>– комиссияъзоси       |
| Н.Нишонова   | - бўлим мудири ўринбосари - комиссия аъзоси                                   |
| М.Мирбадалов | - марказлашган молия бухгалтерия хизмати бош иқтисодчиси<br>- комиссия аъзоси |
| Ж.Рахмонов   | - маҳсуе таъмирлаш эксплуатация бўлими бошлиғи<br>- комиссия аъзоси           |
| З.Турғунова  | Д.Х ва шартномалар бўлими бошлиғи<br>- комиссия котиби                        |

Кун тартибидаги масала:

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ХТБга карашли мактаблар ховли копламаларини жорий таъмирлаш учун 16.09.2022-йил Лот № 22110012151458 билан электрон давлат харидлари платформасига жойлаштирилга бўлиб, 23.09.2022-йилда ушбу лотга таклифларни қабул қилиш яқунланган. Келиб тушган таклифлар харид комиссиясига таклиф этилди. Якуний натижалаарга кўра “Кўкон йўл таъмир” МЧЖ ғолиб деб топилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудири Н.Сиддикова Сўзга чиқиб, танлов шаффоф ҳамда талабларга мос ўтганини айтиб ўтди. Шундан сўнг сўз олган комиссияси аъзоси А.Набиев, энг яхшии таклифни танлаш юзасидан муҳокама кунларида ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги ҳамда ҳеч қимда эътирозлар йўқлигини айтиб ўтди. Харид Комиссияси танлаш бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли “Кўкон йўл таъмир” МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузишга келишди.

Н.Сиддикова \_\_\_\_\_

Н.Нишонова \_\_\_\_\_

А.Набиев \_\_\_\_\_

М.Мирбадалов \_\_\_\_\_

Ж.Рахмонов \_\_\_\_\_



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**O‘ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO‘LIMI**  
**YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

151800, O‘zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko‘chasi.  
Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 29-sentabr

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING**  
**QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA**  
**HUQUQIY XULOSA**

**1.Loyihaning turi** : Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi:** Pudrat shartnomasi.

**3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot:** O‘zbekiston tumani Xalq ta’limi bo‘limi.

**4.Loyiha yuzasidan ma’lumot:**

O‘zbekiston tumani Xalq ta’limi bo‘limi va "QO‘QON YO‘L TA‘MIR" mas’uliyati cheklangan jamiyati o‘rtasida jami qiymati 92 861 970 so‘m bo‘lgan "Pudrat shartnomasi" to‘g‘risidagi shartnoma loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo‘jalik shartnomalarining subyektlari (taflari) bo‘ladi.

O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko‘ra, xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o‘zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo‘lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to‘g‘risida"gi O‘RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko‘ra,

eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 27-sentabrdagi 151458 -sonli bayonnomasiga asosan O'zbekiston tumani XTBga qarashli maktablar xovli koplamlarini joriy ta'mirlash yuzasidan o'tkazilgan tanlovda " QO'QON YO'L TA'MIR" mas'uliyati cheklangan jamiyati tanlov g'olibi deb belgilangan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib, yuqoridagilarga asoslangan holda

### **XULOSA QILAMAN:**

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va "QO'QON YO'L TA'MIR" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida jami qiymati 92 861 970 so'm bo'lgan "Pudrat shartnomasi" to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

**Markaz bosh yuriskonsul'ti**



**B.Turg'unov**